



Фарход УСМАНОВ,
ТВЧДПИ Тарих кафедраси таянч докторанти
E-mail: farhod.usmanov.1988@mail.ru,

Тошкент профессори, т.ф.д С.Б. Шадманова тақризи асосида

ISSUE CHILD NEGLECT IN TASHKENT 20-30 YEARS OF THE XX CENTURY (ACCORDING TO ARCHIVAL MATERIALS)

Abstract

In the 1920s and 1930s, child neglect increased due to economic and social problems in all regions of Russia, and the influx of children from Russia and other neighboring countries to Uzbekistan, including Tashkent, increased significantly. This article describes the situation of neglected children in the Tashkent region, their negative consequences for society, the various measures taken to eliminate neglect and the existing problems.

Keywords: child neglect, crime, reformatorium, orphanages, police, food centers, procurement.

ВОПРОС БЕСПРИЗОРНОСТЬ ДЕТЕЙ В ТАШКЕНТЕ 20-30 ЛЕТ XX ВЕКА (ПО АРХИВНЫМ МАТЕРИАЛАМ)

Аннотация

В 20-е и 30-е годы XX века из-за экономических и социальных проблем во всех регионах России возросла беспризорность детей, а приток детей из России и других соседних стран в Узбекистан, включая Ташкент, значительно увеличился. В статье описывается положение беспризорных детей в Ташкентской оазисе, их негативные последствия для общества, различные меры, принимаемые для устранения беспризорности, и существующие проблемы.

Ключевые слова: беспризорность детей, преступность, исправительное учреждение, детские дома, милиция, центры питания, снабжение.

XX АСР 20-30 ЙИЛЛАРИДА ТОШКЕНТДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ МАСАЛАСИ (АРХИВ МАТЕРИАЛЛАРИ АОСИДА)

Аннотация

XX аср 20-30 йилларида Россиянинг барча ҳудудларида иқтисодий, ижтимоий муаммолар сабаб болалар қаровсизлиги кўпайиб кетган ва Ўзбекистон жумладан, Тошкентга Россия ва бошқа кўшини мамлакатлардан болалар оқимининг кириб келиши сезиларли даражада ошиб борган. Мазкур мақолада айнан Тошкент минтақасидаги қаровсиз болалар ҳолати, уларнинг жамиятта келтирган салбий оқибатлари, қаровсизликни бартараф этишда амалга оширилган турли чоратадбирлар ва мавжуд муаммолар келтириб ўтилган.

Калил сўзлар: болалар қаровсизлиги, жиноятчилик, реформаториум, болалар уйлари, милиция, овқатланиш марказлари, таъминот.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон килиниши ўз навбатида барча соҳаларда бўлгани сингари илм-фан соҳасида ҳам улкан имкониятлар йўлини очиб берди. Жумладан, тарихни ўрганишда холисона, сиёсий қарашлар таъсиридан йироқ, ҳар томонлама кенг маълумотларга таянган усууллардан фойдаланиш ва шу орқали ҳаққоний тарихни очиб бериш имконини берди. Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ўз навбатида Ўзбекистонда ҳам турли муаммо ва салбий оқибатларни келтириб чиқарган эди.

XX асрнинг 20-30-йилларида турли тарихий жараёнлар таъсирида қаровиз болалар шаклланиб, бутун РСФСР ҳудудини камраб олди. Унинг кенг тарқалиши айнан Тошкент минтақасини ҳам четлаб ўтмади. Марказдан бошқарувда йўл қўйилган камчиликлар таъсирида Тошкент минтақасида айнан болалар қаровсизлиги масаласида кўплаб муаммо ва камчиликлар шаклланган ва уни бартараф этишда мавжуд кучлар сафарбар этилиши фавқулодда муаммоларни бартараф эта олмади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Болалар қаровсизлиги масаласи Ўзбекистонда совет даврида йирик кўринишда мавжуд бўлган бўлиб, мазкур масала бўйича кўплаб ўзбекистонлик ва чет эл олимлари илмий изланиш олиб борган. Жумладан, А.А.Расуловнинг “Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди ҳалклари ўртасидаги муносабатлар”

номли монографиясида 1917-1924 йилларда давом этган машъум очарчилик, унинг келиб чиқиши сабаблари, ахолига қанчалик зарар келтирганлиги эвакуация қилиниб келтирилган болаларни ўз бағрига қабул қилишда кўрсатган мардонавор фидоийликлар намоён қилинган[1]. А.А.Ерметовнинг “Ўзбекистон ички ишлар органлари фаолияти” номли монографиясида эса 1925-1991 йиллар ички ишлар органларининг фаолияти ҳакидаги маълумотлар ўрин олган [2].

Мазкур мавзу хорижий тадқиқотчилар томонидан хам тадқиқ қилинган бўлиб, А.А.Славко ўзининг илмий ишида қаровсизлик сабаблари, болалар қаровсизлигининг олдини олиш масаласида давлат томонидан амалга оширилган ислохотлар, қаровсиз болалар ижтимоий портрети, қаровсизлик давридаги болалар ҳаёти ҳакидаги маълумотлар келтириб ўтган бўлса[3], О.А.Оличева ўз тадқиқот ишида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унинг биринчи ўн йиллик давридаги болалар қаровсизлиги ахволи, қаровсизликнинг олдини олиш, қаровсиз болалар ҳамда улар томонидан содир этилган жиноятлар, болалар қаровсизлигининг олдини олиш мақсадида ташкил этилган муассасалар, совет ҳокимияти томонидан олиб борилган саъй-ҳаракатлар, камчиликлар ҳақида маълумотлар берган.[4]

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Мазкур илмий мақолани ёзишда тарихийлик ва

холислик тамойиллари, тарихий-киёсий, анализ, синтез, хронологик усуллардан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). XX асрнинг бошларига келиб Тошкентга Россиянинг барча худудларидан яхши ҳаёт илинжиидаги болалар оқими доимий кириб келган. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонда мавжуд иқтисодий, ижтимоий муаммоларни янада кўпайтириб, инсонлар турмуш тарзида кўплаб салбий оқибатлар шаклланнишига сабаб бўлган. Келаётган болалар асосан кўча ҳаётига ўрганиб, кўча безорилари сонини ошириб борган. Бундай ҳолатда давлат томонидан келган кўча қаровсизларини кўлга олиш ва болалар муассасаларига жойлаштириш мақсадида Маориф халқ комиссарлиги (ХК) хузурда маҳсус инспекция тузилган бўлиб, унинг асосий фаолият худуди Тошкент шаҳри эди. Мазкур инспекция Тошкент шаҳрини Эски шаҳар, Янги шаҳар, Вокзал тарзида уч қисмга бўлиб, биттадан инспектор фаолияти ўйлга кўйган. Уларнинг 18 ёшдан ошган ака, 16 ёшдан ошган опа ёрдамчилари шакллантирилиб, диккатга сазовор, гавжум жойларда навбатчилиги ташкил этилган. 18 ёшгача бўлган барча болаларнинг асосий фаолияти дайдилик килиш, тилаччилик, азарт ўйинлар, наркомания, бачавозлик ва бошқалар бўлиб, инспектор ёрдамчи (ака ва опа)лари уларни кўлга олиш ва тегишли чора кўриш билан шуғулланиши белгиланган [5].

1922 йига келиб аҳоли ўртасида ўзини ўзи бокиш қобилиятининг пасайиб кетиши оқибатида фуқаролар Инспекцияга мурожаат килиб, болаларни интернатга кабул килиш ёки озиқ овқат, кийим бош билан таъминлаши сўраш ҳолатлари кўпайган. Шундай аризалардан 294 таси ўрганилиб, 105 бола болалар уйларига жойлаштирилган. 77 тасига озиқ овқат, 11 тасига кийим бош берилган ва 101 таси ахволи ўрганилиб рад жавоби берилган. Шунингдек, Тошкентдаги очарчилик вакиллари болалари учун ташкил этилган овқатланиш марказларида 40 нафар бола овқатланиб 227 нафари бу ердан овқатланиши ради килган. Кўчадаги қаровсизлик болалар ўртасида оғир тарбияли болалар қатламини йирик кўринишида шакллантирган. Мазкур болалар милиция органи тасарруфида бўлган Реформаториумларга жойлаштирилиши белгиланган. Мазкур мақсадда 1922 йил Милиция органлари билан ҳамкорликда қаровсиз болаларни кўлга олиш ва реформаториумларга юбориши бўйича 250 нафар бола ўйғилган ҳамда реформаториумга юборилган. Улардан 17 таси ота-оналарига топширилган бўлса, 24 таси эса реформаториумдан кочиб кетишган эришган.

Кўчадаги қаровсиз болалар ўз навбатида кўчадаги болалар жиноятчилигини кўпайтириб юборган. Болаларга оид 1922 йил 52 та иш ўрганилиб, улардан 47 таси вояга етмаганлар комиссиясига суд учун юборилган. Мазкур болаларнинг асосий фаолияти кичик киссанурлик билан шуғулланган. Қаровсиз болаларни кўлга олиш ишлари кучайиши билан бозор, вокзал ва бошқа жамоат жойларида киссанурлик ҳолатлари бирдан камайган ва жиноятчиликка унчалик таъсири кўрсатмаган. Шундан кўринмоқдаки қаровсиз болалар асосан киссанурлик ва майда жиноятлар билан машғул бўлишган. Реформаториумларда кўриклиш химати яхши ишламаганлиги сабаб кидирувда бўлган жиноятчи ёшлар асосан реформаториумдан кочганлар ҳиссасига тўғри келган. Жиноят кидирув бўлими қошида ташкил этилган жиноятчи болалар учун алоҳида камерага келтирилган болаларнинг ерни ковлаб, ёки деворни бузуб қочиши сабаб мазкур камера умуман яроқсиз ҳолга келиб қолган ва 1922 йилги ҳолатга кўра жиноятчи болалар катта ёшдаги жиноятчилар билан бирга сақланган [6].

1922 йил бошларида мавжуд имкониятдан келиб чиқиб Инспекция томонидан Тошкент шаҳрида қаровсиз болаларни йигиши ишлари ўтказилиб, 95 та бола кўлга олиниб, муассасаларга жойлаштирилган. Мазкур иш давом этиб, 1922 йил март ойида Адлия ХКда бўлиб ўтган идоралараро комиссия йигилиш карорига кўра март ойининг ўрталарида милиция томонидан шаҳарни кичик ёшдаги қонунбузарлардан тозалаш кампанияси ўтказилиб, болалар гавжум жойларда 135 нафар бола кўлга олинган ва улардан асосий қисми ўғирилик билан, биттаси фохишилик билан шуғулланганлиги аниқланган.

Тошкент шаҳар жазо органлари томонидан вояга етмаган жиноятчиларни сўроқ килиш жараённида улар бир неча бор онгли равишида фалаён қилганлиги сабаб, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун жиноят кидирув бўлимига Инспекциядан вакил бириктириш амалиёти жорий қилинган. Мазкур Вакил у ерда барча вояга етмаган қонунбузарларга раҳбарлик килиб, уларни терлов килиш, ишларнинг моҳиятини ўрганиши каби вазифаларни бажарган. Бириктирилган иш доирасида Вакил 1922 йил март ва апрел ойларида 60 нафар кичик ёшдаги жиноятчилар ва уларга тегиши 45 ишни тугалланган терлов материаллари билан биргаликда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга топширган. Шунингдек, кичик ёшдаги болаларнинг ҳақ ҳуқуқини таъминлаш мақсадида кичик жиноятчиларни комиссия орқали реформаториумга юборища қанвойда соқчилар томонидан уларга куч ишлатилмаслиги олди олиниб, ижтимоий ёрдам кўрсатиш бирордлари ҳамроҳлик килиш амалиёти жорий қилинган.

Юкорида кўрсатилган ишлар тўлиқ бўлмаган ходимлар таркиби билан амалга оширилган бўлиб, Болалар ижтимоий Инспекцияси ходимлари антисанитар ҳолатда ишлашига тўғри келган ва оқибатда деярли ҳамма ходимлар тиф (ич терлама) касаллиги билан оғриган. Бу ўз навбатида уларнинг баъзи ҳолатда ишлаш сифатини ёмонлаштирган [7].

1922 йил Тошкентдаги қаровсиз болалар сони асосан Волгабўйи ва Самара худудларидан келаётган очарчилик болалари хисобига кўпайиб борган. Қаровсиз болалар масаласига Тошкентда кўпчилик органлар сафарбар қилинган бўлиб, уларга Туркистон Марказий ижро қўмитаси (МИК), Жиноят кидирув бўлими, партия ва ижтимоий гурухлар ҳам харакат бошлашган. Маблағнинг мавжуд эмаслиги ва ишнинг ёмон ҳолда ташкил этилганлиги сабабли ишлар режага мувофиқ бўлмаган натижа берган [8].

Мавжуд қаровсиз болаларнинг ночорлари ҳам кўпчиликни ташкил этган бўлиб, улар меҳнат эксплоатацияси курбонига айланниш ҳолатлари ҳам кўпайган. Мисол учун, Xалқ комиссарлар совети (ХКС) ижтимоий тарбия бошқармасининг 1924 йил январдаги № 108 сонли Тошкентнинг янги шаҳар инспектори Ватоллога юборган хатига кўра 15 ёшли вояга етмаган Закир Курмакаев (қаровсиз)га болалар қаровсизлиги карши курашиб бўйича болалар уйларидан биридан ўйлбошли тайинланиши ва уни 2 йил давомида бутунлай бепул ишлатган фуқароларга қарши иш кўзатиши топшириғи берилган [9].

1922 йил сўнггида Тошкент минтакасида мавжуд вазият жуда мураккаблашган бўлиб, Сирдарё вилояти 53 та муассасада 858 рус ва 2335 маҳаллий аҳоли болалар жами 3193 нафар бола, Тошкент шаҳрида 24 та муассаса ва 505 рус, 699 маҳаллий аҳоли болалари жами 1 204 нафар бола, Эски Тошкент шаҳри бўйича 11 та муассаса ва 774 маҳаллий аҳоли болалари мавжуд эди. Айнан Эски Тошкентдаги болалар муассасалари ахволи ҳаммасидан ёмон бўлиб, давлат томонидан умуман ёрдам кўрсатилмаган. Фақатгина Маориф ХК пайди берилган холос. Жавобгар ва мастьуллар белгиланмаган.

Сирдарёдаги болалар қаровсизлигининг ўсиш сурати СССР қаровсиз болалари ўсиши билан яқин бўлиб, бунга сабаб очарчилик худудларидан болаларнинг кочқин сифатида ва бошқа йўллар билан кириб келиши эди. У ердаги болалар қаровсизлиги шунчалик йирик кўринишда бўлиб, айнан аниқ қаровсиз болалар статистикасини юритишнинг имкони бўлмаганини сабабли Сирдарёдаги кўчадаги мавжуд қаровсиз болаларни тахминан 1000 нафар деб хисобланган [10].

1925 йил Тошкентдаги болалар қаровсизлиги ачинарли ҳолатда бўлиб, иссиқ мавсумда Тошкент кўчаларида 600 нафар, киши кунлари бундан хам кўп ҳолатда мавжуд бўлган. Киша улар боғ, сайилгоҳлардаги панохини ташлаб, чойхона, бозор, ёки қор ва ёмғирдан пана кила оладиган уйларга бориб печга ётиш имкони бўлса ташки тарафдаги печларга тикилиб ётишган ва баъзилари имкон топа олмаганидан мусор яшикларида жон саклаган. Улар кундуз кунлари тўлиқ бозорга бориб, ўша ерда имкон қилиб корин тўйдириш ининжида бўлган бўлса, кундзи оғир меҳнат ёки ўғирлик киссавурлик орқали топилган маблағ ва буюмларни кечки пайт наша ёки шунга ўхшаш наркотикларни истеъмол килиш, алкогол истеъмол килиш, картага нарса ва пул кўйиб ўйнашга сарф килишган. Мазкур давр кўча қаровсизлари икки катта тоифага ажратилган. Биринчи тоифага кўчага ўз-ўзидан келиб қолган, жиноят кўчасига хали кирмаган ва корин гамида кўчада умр ўтказадиган болалар ва иккичи тоифа бу катта 99% қисмини ташкил қиласидан жиноятчи ёки шунга мойил болалар эди. Иккичи гурух кўчада ўғирлик зўравонлик ва ҳоказо ёмон ишлар билан шугууланувчи болалар болалар муассасаларига топширилса ҳам қандай бўлмасин қочиб кетадиган гурух эди. Уларни тарбияга кайтариш анча қийин ва ўша давр маориф тизими педагогларининг бунга кучи етмаган [11].

1925 йил Тошкент вилояти бўйича 2338 нафар қаровсиз болалар бўлиб, улар янги ва экси Тошкент шаҳрида 1748, Тошкент уездига 427, Мирзачўл уездига 163 нафарни ташкил этган [12] бўлса, 1926 йил Республика миқёсида қаровсизлар сони умумий 11 000 нафарни, улардан 6 826 нафари болалар муассасаларида, 4 000 нафардан ортиқ бола кўчаларда умуман қаровсизларни ташкил этган. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида кўчаларда киши мавсуми олдидан тахминан қаровсиз болалар сони рўйхатда мавжуд бўлган 1300 болалар билан 2 000 нафарни ташкил этган ва бу ўз навбатида болалар жиноятчилигини ошириб, Тошкент вилоятида 1500 болалар жиноят иши ўрганилган [13]. Республика бўйича 4000 қаровсиз болалар худудлар бўйича Тошкент – 1300, Самарқанд – 200, Зарафшон – 300, Фарғона – 300, Қашқадарё – 500, Сурхондарё – 100, Хоразм – 600 нафар кўринишда бўлиб асосий қаровсизлар Тошкент худудига тўғри келган [14].

XX аср 20-30 йилларида Ўзбекистонда мавжуд қаровсиз болалар ҳисоби аниқ бўлмаган маълумотлар асосида энг кам кўрсатилган рақамларда кўрсатилган. Болалар қаровсизлиги бўйича маълумот, статистиканинг аниқ юритилишига тўсиқ бўлувчи омиллар кўп бўлиб, уларга болаларнинг кўпайтган турмуш шароити излаб бир шаҳардан иккичи шаҳарга доимий кўчиб юриши, 75% дан кўпроқ қаровсиз болалар РСФСР ва иттилоқдош Республикалардан Ўзбекистонга кириб келиши, қаровсизлар исталган шаҳарда пайдо бўлиши, исталган вақтда кўпайт турмуш шароити топа олмаслиги сабаб ҳудудни тарқ этиши кабилар мисол бўлади [15].

РСФСРнинг турли минтақаларида оғир иктисадий аҳвол, қашшоқлик ва бошқа турли омиллар сабаб кўчада тентираб ҳаёт кечиришга мажбур бўлган болалар мамлакатнинг исталган ҳудудида пайдо бўлиши эҳтимолини шакллантирган эди. 1927 йилги

маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрининг кўлай климити, ахолининг бағрикенглиги ва турли омиллар туфайли болалар қаровсизлиги масаласи юкори кўринишда мавжуд эди. Инспекторлар томонидан болалар қабулхоналарига келтирилган болалар “Сени Тошкентга келишга нима етаклади ва нима учун ўз юртингда қолмадинг?” деган саволга “Биз Тошкент иссиқ жой ва у ерда оёқ қийимиз ва қийимиз ҳам яшаса бўлади, бундан ташқари у ерда болаларни меҳрибонлик уйларига йигишмайди, бемалол яrimoch ҳолатда ҳаёт кечириш мумкин ва агарда сенга керак нарсани ўғирламоқчи бўлсанг, буни маҳаллий ҳалқдан ўғирлаш қийин эмас деб эшитганимиз учун келганимиз” деб жавоб беришган.

Тошкент шаҳридаги 15 та болалар уйида 1927/28 бюджет йили 1 620 нафар, 1928/29 бюджет йили 1 600 нафар, қабул тақсимотларда мос равишида 130 ва 60, 3-интернационалда 200 ва 200, қабулхонада 60 ва 60, пионер коммунада 60 ва 60, 3-интернатда 60 ва 60, № 1 сонли кичик болалар уйида 60 ва 60, Ленин интернатида 30 ва 30, Зебинисо мактабида 150 ва 150 нафар кўринишида бўлган [16].

1927/28 бюджет йили 18 та болалар муассасаси маҳаллий ва 5 таси Округ болалар комиссияси томонидан копланган бўлса, 1928/29 бюджет йилидан ҳаммаси маҳаллий бюджетга ўтказилган [17].

Тошкентда болалар қаровсизлиги 1932 йил декабрдан 13.03.1933 йилгача кўпайб, кўчадан 580 нафар қаровсизлар йигилган бўлса, 13.03.1933 – 01.07.1933 йилгача 7696, июл ва августда 1566, умумий 13.03.1933 – 01.09.1933 йилгача 9262 нафар қаровсизлар йигилган. Ўртacha кунлик йигим июлда 70, августда 25 нафарни ташкил қилиб, қаровсизларнинг 34.4 % ёки 3224 нафари Ўзбекистон, 32.7% ёки 3 049 нафари Қозогистон, 32.9 % ёки 2 989 нафари қолган Союз мамлакатлари болалари эди.

Тарбияси оғир, жиноятчи болаларни сақлаш, меҳнатга ўргатиш, жамият ва меҳнатда ўз ўрнини топиши учун тасаввурини кенгайтириш каби максадларни кўзлаган ҳолда озодликни чекловчи маскан Реформаториум фаолияти бўйича 1930 йил янги карор қабул қилинган бўлиб, Реформаториумга 14-18 ёшли иккала жинс вакиллари суд карорига кўра, тергов остида бўлиб турган, вояга етмаган ишлари бўйича комиссия хulosасига кўра юборилган болалар қабул қилиниши белгиланган. Округ комиссиялари реформаториумларига вояга етмаган жиноятчилар факат Маориф ХК ижтимоий тарбия бошқармаси хulosасига кўра юбориши белгиланган. Юборилганда албатта боланинг шахсий характеристикини кўрсатилиши шартлиги белгиланган.

Реформаториумга кўйиладиган талаблардан бирни бу бутунлай изоляция қилинган бўлиши, кириш ва чиқиши қаттиқ режимли назорат, бир томонлама чиқиши, албатта факат тозалик учун эмас, асаб тизимини яхшилаш учун ҳам зарурлиги сабаб ванна мавжуд бўлиши белгиланган. Тошкентдаги мазкур Реформаториум 60 кишига мўлжалланган [18].

XX аср 30 йилларига келиб болалар қаровсизлиги камаймасдан янада кўпайб борган ва оқибатда 13.03.1933 йилдан Болалар комиссияси томонидан Тошкент шаҳрида 8 та йигиш пункти ва 17 та вақтингчалик болалар қабулхоналари ва 1 200 нафар болага 5 та овқатланиш жойлари ташкил этилган [19]. Қаровсизларни йигиш бўлимлари 1933 йил 13 марта 1-милиция бўлимида 30, 2-милиция бўлимида 30, 6-милиция бўлимида 40, 8-милиция бўлимида 40 кишилик тартибда ташкил этилган. 1933 йил 26 марта санасидан бошлаб 3-4-7- миллиция бўлимларида болалар қабулхоналари очилган бўлиб, 5-милиция бўлимида режада белгиланган бўлсада ташкил этилмаган.

1933 йил 13-25 март саналарида ташкил этилган кўчадаги қаровсизларни қамраб олиш тадбирида 669 нафар бола кўлга олинганд. Уларнинг миллати бўйича 203 нафари қозоқ, 123 нафари ўзбек, 111 нафари рус, 12 нафари татар, 8 нафари тожик, 2 нафари немис, 4 нафари еврей ва 206 нафари бошқа миллат вакиллари эканлиги аниқланган. Мазкур болалардан 245 нафари болалар уйларига, 57 нафари № 2 сонли она-бала уйига жойлаштирилган.

Қаровсизларни қамраб олиш тадбирида милиция қабулхоналари кесимида 1-милиция бўлими 45, 2-милиция бўлими 60, 3-милиция бўлими 32, 4-милиция бўлими 31, 6-милиция бўлими 84, 7-милиция бўлими 29, 8-милиция бўлими 86, умумий хисобда 367 нафар бола қабул килинган. Барча милиция бўлимлари қаровсизлар билан тўлиб тошган. 7-сон милиция қабулхонасига маҳаллий хўжаликдан пул ажратилмай таъмирланмай қолган бўлиб, мазкур бино соvuқ ҳолида болалар полда ётишга мажбур бўлишган. Болалар орасида касаллари ҳам мавжуд бўлиб, уларни ЎзССР Соғлиқни сақлаш XК органлари томонидан қамраб олиш учун тегишли чоралар кўрилмаган. Ёмон томони қолган болалар уйларida ҳам ахвол яхши эмас ва бу ўз навбатида болалар қаровсизлигига салбий таъсир ўтказган [20].

Октябр туманидаги болалар қабулхонасида 100 нафар, собиқ Минерал сувлар заводи биносида ташкил этилган болалар қабулхонасида 150 нафар бола қабул килинган. Уларда зарурий инвентарлар ҳам ётишмаган ва устига устак, яна қаровсизларни қабул килишга мажбур. Бир куннинг ўзида 341 нафар қаровсиз бола кўлга олинганилиги эса ахволни қанчалик мураккаблигини кўрсатади. Ишларга жўнатилгандар ва болалар уйларига жойлаштирилгандардан ташқари 631 нафар қаровсиз бола ёмон ахволда ушлаб турилган. Мазкур болалар таъминоти учун 15 кунлик давр учун шаҳар халқ таълимидан атиги 2000 рубл маблағ ажратилиши каби муносабат ва ётиборсизликлар болалар қабулхоналарида овқат ётишмаслиги ва шароитнинг кундан кун ёмонлашувини таъминлаган.

Болалар қабулхоналаридаги болалар ёш бўйича 3-5 ёшлилар 86, 5-8 ёшлилар 112, 8-10 ёшлилар 125, 10-12

ёшлилар 124, 12-14 ёшлилар 138, 14-15 ёшлилар 1 нафарни ташкил этган бўлса, миллати бўйича ўзбеклар 187, қозоклар 199, руслар 146, бошқа миллат вакиллари 50 нафарни ташкил этган. Ижтимоий ахволи бўйича хизматчилик фарзандлари 177, дехқонлар фарзанди 286, ишчилар фарзандлари 26, бошқа соҳа вакиллари фарзандлари 87 нафар кўриниши бўлган. Келган худуди бўйича Ўзбекистоннинг турли худудларидан 6, Козогистондан 214, Россиядан 97, Сибирдан 26, Марказий Осиённинг бошқа шаҳарларидан 238 нафар бўлган бўлса оиласвий ахволи бўйича ота-онаси мавжудлар 32, отаси мавжудлар 77, онаси мавжудлар 96, хеч кими йўклар 377 нафарни ташкил этган [21].

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). 1917 йилги давлат тўнтарилиши ва ҳокимият алмашиниу мамлакат хаётига ҳам ўзининг таъсирини ўтказиб, мазкур давр иқтисодий муаммолар, турли курғоқчилик ва очарчиликлар туфайли қаровсиз болалар сони кўпайиб бориб, шаҳар айнан Тошкент кўчаларида қаровсиз болаларнинг кезиб юриши табиий ҳолга айланиб колган эди.

Тошкент минтақасида қаровсиз болалар сони ошишига асосий сабаб бу РСФСРнинг турли худудларидан болалар жамоаларининг ёпласига кириб келиши эди. Болалар муассасаларидаги мавжуд имконият ва сигим бу болаларни ўзида жамлай олмаслиги сабаб кўчадаги қаровсиз болалар сони ҳаддан зиёд ошиб борган ва бу ўз навбатида жиноятчиликнинг салмоқли ошишига сабаб бўлган.

Давлат органлари томонидан болалар қаровсизлигини бартараф этишга қаратилган чора-тадбир ва амалий ишлар самарасиз якунланган. Бунга сабаб, Марказдан мазкур масала деярли очиқ қолдирилганилиги ва барча муаммоларни бартараф этиш маҳаллий бюджет зиммасига юқлатилиши эди.

Кўчадаги қаровсиз болалар ижтимоий ҳаётда жуда фаоллашиб, аҳоли ўртасида барча қатлам оиласлари болалари қаровсизлиги шакллантирилишига ҳам сабаб бўлган.

АДАБИЁТЛАР

1. Расулов А.А. Туркестон ва Волгабўйи, Уралолди халклари ўртасидаги муносабатлар (1917-1924 йиллар). - Тошкент: Университет, 2005.
2. Ерметов А.А. Ўзбекистон ички ишлар органлари фаолияти. - Ташкент, 2018. –Монография.
3. Славко А.А. Детская беспризорность в России в первое десятилетие советской власти. Автореф. кан. истор. наук. - Чебоксары, 2005.
4. Оличева О.А. Государственная политика в отношении беспризорности и преступности несовершеннолетних. Автореф. кан. истор. наук. - Москва, 2009.
5. ЎзМА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1633-иш, 27-варап.
6. ЎзМА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 923-иш, 22-варап.
7. ЎзМА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 923-иш, 52-варап.
8. ЎзМА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1873-иш, 120-варап.
9. ЎзМА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 1850-иш, 58-варап.
10. ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 2581-иш, 4-варап.
11. ЎзМА, Р.94-фонд, 1-рўйхат, 95-иш, 47-варап.
12. ЎзМА, Р.94-фонд, 1-рўйхат, 95-иш, 46-варап.
13. ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 3150-иш, 38-варап.
14. ЎзМА, Р.94-фонд, 1-рўйхат, 95-иш, 12-А-варап.
15. ЎзМА, Р.86-фонд, 1-рўйхат, 3150-иш, 50-варап.
16. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 83-иш, 63-варап.
17. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 83-иш, 64-варап.
18. ЎзМА, Р.86-фонд, 5-рўйхат, 223-иш, 9-варап.
19. ЎзМА, Р.94-фонд, 5-рўйхат, 1721-иш, 29-варап.
20. ЎзМА, Р.837-фонд, 11-рўйхат, 53-иш, 52-53-варап.
21. ЎзМА, Р.837-фонд, 11-рўйхат, 53-иш, 57-варап.